



## Кутубхоналарнинг ўлкашунослик ресурслари: шакллантириш йўллари ва омиллари



**Маматраимова**  
Хамрохон,

Тошкент давлат маданият  
институтининг доценти

*Мақолада ўлкашунослик, кутубхона ўлкашунослиги, ўлкашунослик ресурсларининг яратилиш йўллари, ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитида АКМларнинг ўлкашунослик йўналишидаги вазифалари, ўлкашунослик фаолиятида электрон ресурсларни яратиш масалалари методик ёрдам тариқасида қисқача ёритилган.*

Ўлкашунослик – бу ўлка, унинг табиий шароити, аҳолиси, тарихи, моддий ва маънавий маданияти тўғрисидаги билимлар мажмуидир. Жонажон ўлка тарихига қизиқишнинг ортиб бориши жамиятнинг ижтимоийлашуви сабабли ижтимоий хусусият касб этмокда. Жамиятнинг ижтимоийлашуви шахснинг ўз-

ўзини англашни, миллий ўзига хосликни ривожлантиришни кўзда тутуди, бунда ўлкашуносликнинг роли беқиёсдир.

Ўлкашунослик маҳаллий аҳоли ҳаётининг тарихий-маданий, ижтимоий томонлари, унинг ижтимоий доминанти – ватанпарварликни, кичик Ватанга муҳаббатни шакллантиришни кўзда тутуди. Бу вазифалар Республикамиз ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) ва ахборот-ресурс марказлари (АРМ) ва кутубхоналаридаги кутубхона ўлкашунослигининг асосий иш йўналишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида”ги қароридан сўнг 2007 йил 1 январидан АКМлар тар-



кибида ўлкашунослик ахбороти секторининг ташкил этилиши билан юқорида келтирилган вазифаларни – ахборот-кутубхоначилик хизматини, унинг асоси – ўлкашунослик кутубхоначилик-библиографик ресурсларини яратиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш каби вазифаларни юклайди.

Ўлкашунослик фаолиятини мақсадли ва талаб даражасида олиб бориш учун ўлкашунослик ресурслари ва уларни яратиш бўйича ишларни ташкил қилиб олиш зарур. Улар:

- *ўлка ҳақидаги ҳужжатлар фондиди шакллантириш, мунтазам тўлдириб бориш;*
- *ўлкашунослик бўйича ихтисослашган кутубхоналараро абонементи яратиш, электрон каталогни тузиш;*
- *ўлка ҳақидаги ҳар қандай талаб ва сўровни тўлиқ қондириш учун маълумот- библиография ва ахборот- библиография хизматини талаб даражасида ташкил этиш;*
- *ўлкашунослик бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш ва уларнинг натижаларини оммалаштириш;*
- *ўлканинг миллий, этник, табиий-географик, маданий-тарихий, тил аънаналари тўғрисидаги ахборотларни тарғиб қилиш;*
- *ўлкашунослик музейлари, маданий ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик фаолиятини ўрнатиш.*

Ўлкашунослик фондига мазмунан ўлкага бағишланган ҳар қандай ҳужжат – китоб, унинг йирик бўлими, даврий ва давомли нашрлар, тўпламлардаги мақолалар, аудиовизуал материаллар, плакатлар, варақалар, хариталар, машинада ўқиладиган ахбо-

рот ташувчи ҳужжатлар, машинкада ёзилган қўлёзма асарлар, электрон ҳужжатлар йиғилади.

Республикада АҚМларида ўлкашунослик фонди у қадар катта эмас. Кўп АҚМларда ўлка ҳақидаги нашрлар умумий китоб фондидан алоҳида ажратилмаган. Бундай ҳужжатларни алоҳида ажратиш, махсус бўлинмада фонд ташкил этган АҚМлар (Наманган, Самарқанд, Хоразм) да бу фонд таркибида нодир ўлкашунослик ҳужжатлари бор. Аънанавий шаклда йиғилган бу фондни сканерлаш, унинг электрон шаклини, тўлиқ матнли маълумотлар базасини яратиш билан уларни сақлашга ва улардан кенг фойдаланишга эришиш мумкин.

Ўлка ҳақидаги ҳужжатлар фондиди шакллантиришда ишни энг аввало АҚМнинг умумий фондидан ўлкага алоқадор ҳар қандай материални ажратиш олишдан бошлаш зарур. Ажратиш олинган, ўлкашунослик сектори учун белгиланган хонада махсус ишлов берилган, таснифланган ҳолда йиғилган ҳужжатлар ўлкашунослик ҳужжатлари фондига асос бўлади. Бундай йиғилган фондни кундалик (жорий тўлдириш), реперспектив (қайта тўлдириш) йўллар билан тўлдириш, қайта тўлдириб бориш, уларни алоҳида (якка ва умумий) ҳисобга олиш, сақлаш ва тарғиб қилиш лозим.

АҚМлар ўлкашунослик ва маҳаллий ҳужжатларнинг депозитарийси ҳамдир. Бу марказлар маҳаллий матбуотни бутун чиқарилаётган даври учун, ўлкашунослик ҳужжатларига аралаштирмай, тўлиқ ва нашр йиллари бўйича алоҳида йиғадилар. Бунинг натижасида бу депозитарий- марказларда ўлкашунослик ҳужжатлари фонди ва маҳаллий нашрлар коллекциялари яратилган бўрилади. Айнан шу мақсадда бу марказлар маҳаллий нашрларнинг мажбурий нусхаларини олишлари зарур.

Ҳозирда маҳаллий кутубхоналарда ута ноёб материаллар: фотоархивлар, этнографик коллекциялар, маҳаллий воқеалар солномаси ва хроникаси, шахслар ҳақида биографик маълумотлар, маҳаллий аҳоли ҳунармандчилиги, урф-одатлари тавсифлари, табиий, меъморий, тарихий ёдгорликлар, фольклор материаллари, шахсий, оилавий архивларга тегишли ҳужжатлар, қўлёзмалар ҳам йиғилиши мумкин. Бундай ҳужжатлар ҳозирча бизнинг кутубхоналар, АҚМ ва АРМларда кам учрайди, лекин улар мазкур ўлкашунослик фонди таркибини бойитиши турган гап.

АҚМларда шаклланган бу ўлкашунослик фондидан ҳар томонлама ёритиб берувчи ўлкашунослик кутубхоналараро абонементи зарур тўлиқликда бўлиши лозим, бундай тўлиқлик ҳар қандай ўлкашунослик сўровларини қондириш имконини беради.

Ўлкашунослик кутубхоналараро абонементининг бош бўғини – ўлкашунослик каталогини (бизнинг шарҳида ўлкашунослик картотекаси) бўлиб, унинг асоси – системали қисми турли манбалардан аниқланган, кутубхона фондида бор йўқлигидан қатъи назар, мазмунан ўлка ҳаётининг барча соҳалари ва йўналишлари бағишланган ҳар қандай ҳужжатни ўзида акс эттирад.

Бу системали қисмга қўшимча ташкил этиладиган топография ва персоналия қисмлари эса фойдалани-





чиларнинг ўлканинг алоҳида туманлари, шаҳарлари, қишлоқлари, турли географик объектлари – тоғлари, кўллари, дарёлари, сув омборлари, йирик иншоотлари ҳамда ўлканинг машҳур кишилари – олимлар, ёзувчи ва шоирлар, меҳнат ва уруш фахрийлари, машҳур педагоглар ва шифокорлар ва бошқалар ҳақидаги сўровларига тезкорлик билан тўлиқ жавоб беришга имкон яратади.

Ўлкашунослик кутубхоналараро абонементининг муҳим бўғинларидан бири маҳаллий нашрларнинг йиғма каталоги ҳисобланади. Ундан вилоят ҳудудидаги нашриётлар ва босмахоналарда босилган китоблар, кичик рисоалар, давомли нашрлар, маҳаллий олимлар томонидан ҳимоя қилинган диссертацияларнинг авторефератлари, хариталар, машинада ўқиладиган ахборот ташувчи ҳужжатлар, аудиовизуал материаллар ўрин олади. Бу каталог библиографик ва фактографик маълумотларни тайёрлаш учун, ўлка тарихи, китобат ва нашриётчилик иши назарияси ва амалиётини, журналистика, ўлка иқтисодиёти ва маданиятини ўрганиш учун хизмат қилади.

Ўлкашунослик ресурслари таркибида муҳим бўғин бўлган ўлкашунослик библиографик қўлланмалари тизими яратиш ҳам АКМлар ўлкашунослик фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ўлка ҳақидаги кўрсаткичларнинг кичик тизимлари универсал, тармоқ ва мавзули, кундалик ва ретроспектив, илмий-ёрдамчи, тавсия кўрсаткичлари ва биобиблиографик қўлланмалардан таркиб топади. Булардан ташқари АКМ ва АРМларда ўлкашунослик ҳужжатларини эндиgina ўқий бошлаган ёки уларга қизиқа бошлаган китобхон – фойдаланувчилар учун библиографик қўлланмаларнинг “кичик шакллари” – китоблар ҳақида суҳбатлар, ўқиш давралари, ўқиш режалари, китобхонга эсдаликлар ҳам тузилиши лозим.

Анъанавий ўлкашунослик кутубхоналараро абонементи таркибида яна ҳозирги кун ўлка ҳаётининг энг долзарб масалалари ва мавзуларига бағишланган мавзули библиографик картотекалар ҳам бўлиши муҳимдир.

Ҳозирги ахборотлаштириш, электрон технологияларнинг библиографик жараёнларга ҳам жорий қилиниши ўлкашунослик библиографик ресурсларини яратишда ҳам намоён бўлмоқда. Республикамиз АКМларида ўлкашунослик библиографик ресурсларининг турли шакллари яратиш имконияти мавжуд. Электрон технологиялар ўлкашунослик ресурслари, шу жумладан ўлкашунослик библиографик ресурслари таркиби ва сифатига, улардан фойдаланиш имкониятларига, ўлкашунослик библиографик ахборотни тайёрлаш технологиясига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ўлкашунослик электрон библиографик ресурслар дастлаб АКМнинг локал тармоғи орқали, кейинчалик эса узоқ масофадан туриб фойдаланиш учун мулжаллаб яратилиши мумкин.

Замонавий технологияларнинг жорий қилиниши билан ўлкашунослик ресурсларининг мазмуний ва мақсадли чегараларида ҳам ўзгариш рўй бермоқда. Масалан, ўлкашунослик маълумотлар базасида бир вақтнинг ўзида библиографик, тўлиқ матнли ва фак-

тографик ахборот мавжуд бўлади. Бир ресурс турлича мақсадлар: илмий тадқиқотга ёрдам бериш, ўлканинг иқтисодий ва маданий ривожланишига ёрдам бериш, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси мақсадларига хизмат қилиш, бир вақтнинг ўзида ҳам олим, ҳам ўқувчини қизиқтира олиш каби ишларда фойдаланилиши мумкин.

Ўлкашунослик электрон библиографик ресурслар:

- *Ўлкашунослик электрон каталоги (ўлкага бағишланган ҳамда ўлка ҳудудида босилган китоблар, кичик рисоалар тасвирланади);*
- *Ўлкашунослик йиғма каталоги (каталогларга мақолалар олинган барча журнал, газета, давомли нашрлар номлари рўйхатини акс эттиради);*
- *Йиғма ўлкашунослик мақолаларидан иборат маълумотлар базаси (МБ) (газета мақолалари);*
- *“Ўлка газеталари” тўлиқ матнли маълумотлар базаси (МБ) (вилоят ҳудудида босиладиган газеталарнинг тўлиқ матнлари ёритилади);*
- *“Ўлка марказий ва маҳаллий нашрларда” МБ;*
- *“вилоят (ўлка) нинг муҳим ва унутилмас саналари календари” МБ;*
- *“вилоят (ўлка) нинг ташкилот ва муассасалари” МБ;*
- *“вилоят (ўлка) нинг ўқув муассасалари” МБ;*
- *“ўлка ҳаёти хроникаси” МБ;*
- *“ўлка хотираси” электрон медиатекаси (тўлиқ матнлар, видеосюжетлар, интерфаол уйинлар билан медиасеҳҳат, ўлканинг машҳур ёзувчи, шоир, бастакорлари, олимлари номлари ҳақидаги ресурс) китоблардан ташкил топиши мумкин.*





Улканинг алоҳида шаҳарлари, туманлари, қишлоқлари, турли географик объектлари ҳақида маълумот берувчи библиографик манба бўлмаган ҳолларда эса "...ўлкаси ҳудуди" электрон ресурсини яратиш тавсия қилинади. Бу мультимедиа электрон маълумотнома (справочник) бўлиши, уни АКМ бошқа ҳудудий АРМлар ва кутубхоналар билан ҳамкорликда яратиши мумкин. Унда ҳар бир ҳудуд бўйича умумий маълумотлар, рамзий белгилар, ёдгорликлар, ўлканинг иқлими, табиати, географияси, топонимикаси, тарихи ва ҳозирги ҳолати, иқтисодиёти, диққатга сазовор жойлари, машҳур кишилари, амалий ахборот ва библиография бўлимларини ажратиш мумкин.

Ўлкашунослик электрон ресурсларида акс эттирилган ҳужжатларнинг ноёблиги (ўлка тўғрисидаги китоблар, даврий ва давомли нашрлар, тўпламлардаги мақолалар, варақалар, плакатлар, хариталар, ўлка ҳақидаги ва ўлка ҳудудидида чиққан электрон нашрлар); бирламчи манбаларнинг ёритилиш тўлиқлиги (ўлкашунослик ҳужжатлари ва маҳаллий нашрларнинг юқори тўлиқликда акс эттирилиши); ахборотнинг аниқ ва ишончлилиги (библиографик тавсифларнинг аниқлиги); ахборотни ёритиш тезкорлиги, мазмунининг ҳар томонлама очиб берилиши (таснифлаш индекси, предмет ва географик рукнлар, калит сўзлар, шахслар рукнлари, ахборот-маълумот аннотациясининг фойдаланилиши); ҳужжатларнинг бўлимларга бўлиниши (таснифлагичнинг, предмет луғати ва

географик рукнлар, калит сўзларнинг мавжудлиги, қидирув майдонларининг тавсифланиши); фойдаланилиш имкониятлари (локал ва узоқ масофадан туриб); ҳужжат матнига чиқиш имконияти – буларнинг барчаси электрон ресурслар сифатининг чегаралари (ўлчовлари) бўлиб ҳисобланади.

Ўлкашунослик электрон ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлашда эса ҳужжатни қидирув йўлини яратиш ва қидирув белгиларини тўғри шакллантириш, яъни калит сўзларни, шахс, предмет ва географик рукнларни, ташкилот ва муассасаларни қидириш, электрон маълумотларни яратиш учун киритилаётган ҳужжатларни аннотациялаш кабилар муҳимдир.

Ўлканинг тўлиқ электрон ўлкашунослик ресурсини яратишда АКМлар ва АРМлар, бевосита ўлкашунослик музейлари, вилоят архивлари, ўлканинг ягона ўлкашунослик ахборот-маълумотлар базаси ва банкни яратишдан манфаатдор бўлган ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик ўрнатишлари ва ўлкашунослик фаолиятини кооперация асосида олиб боришлари яхши натижа беради.

Яратилган ўлкашунослик кутубхоначилик-библиографик ресурсларидан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш учун зарур тарғибот ишлари ҳам олиб борилиши зарур. Ўлкашунослик ресурсларига талаблар мониторингини мунтазам йўлга қўйиб, режали равишда сўровлар, интервьюлар орқали фойдаланувчиларнинг ўлкашунослик библиографик ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш лозим.

Ўлкашунослик ҳужжатларига китобхоналарни жалб қилиш мақсадида адабиётлар тарғиботининг турли шакл ва усулларидан фойдаланиб, турли танловлар, китоблар саҳифалари орқали "ўлка бўйлаб саёҳатлар", савол-жавоб кечалари, алоҳида ўлкашунослик китоби тақдими, ўлканинг машҳур кишилари – ёзувчилар, шоирлар, меҳнат ва уруш фахрийлари ва бошқалар билан учрашувлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхоналар, АКМлар қошида ўлкашунослик жамиятлари ёки бирлашмалари, клублари, музейлари, адабий меҳмонхоналарнинг ташкил қилиниши эса ўлкашуносликка қизиқишни орттириши, бу йўналишни фаол ўрганиладиган соҳага айлантириши мумкин.

Маҳаллий жойларда кенг жамоатчиликни, айниқса, ёшларни ўлка ҳақидаги билимларни эгаллашга, марказларда яратилган кенг имкониятлардан фойдаланишга ундовчи тадбирлардан бири ўлка ҳақида иншолар, курс ишлари, рефератлар танлови, сценарийлар танлови, илмий ишлар танловларини ўтказишдан иборатдир.

Ўлкашунослик фаолиятини ривожлантириш учун бу жабҳада илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши (илмий дастурлар ишланиши), тадқиқот натижалари эса амалга жорий қилиниши зарур.

Албатта, бу ишларнинг барчасини шу йўналишнинг методик таъминотисиз амалга ошириб бўлмайди (бу масала алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади).

